



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

2020 yil « 18 » may

№ 290

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисиغا Мурожаатномаларидан келиб чиқадиган, тегишли йилга мўлжалланган Давлат дастури бажарилишининг бориши юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботини Олий Мажлисга тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик вазифалари амалга оширилиши самарадорлиги учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъулиятини оширишга доир биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 28 январдаги ПФ–5644-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган Ҳаракатлар дастури ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Вазирлар Маҳкамасининг Давлат дастури бажарилишининг бориши тўғрисидаги ҳисоботини Олий Мажлисга тақдим этиш тартиби, шунингдек, мазкур ҳисоботни кўриб чиқиш яқунлари бўйича қабул қилинган Қонунчилик палатаси ва Сенат қарорлари ижроси устидан назоратни амалга ошириш тартибини назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисиغا Мурожаатномаларидан келиб чиқадиган, тегишли йилга мўлжалланган Давлат дастури бажарилишининг бориши юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботини Олий Мажлисга тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирликлар ва идоралар раҳбарларига Давлат дастури бажарилишининг бориши юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботини шакллантириш учун зарур маълумотларнинг ўз вақтида ва сифатли тайёрланиши ҳамда тақдим этилиши учун шахсий масъулият юклансин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари ва Бош вазир маслаҳатчилари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчиси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ваколатли вакили зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “18” майдаги 290 -сон қарорига
илова

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисига Мурожаатномаларидан келиб чиқадиган, тегишли
йилга мўлжалланган давлат дастури бажарилишининг бориши
юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботини Олий Мажлисга
тақдим этиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қондалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг (кейинги ўринларда – Вазирлар Маҳкамаси/Хукумат) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномаларидан келиб чиқадиган, тегишли йилга мўлжалланган давлат дастури (кейинги ўринларда – Давлат дастури) бажарилишининг бориши тўғрисидаги ҳисоботини Олий Мажлисга тақдим этиш тартибини белгилайди.

2. Вазирлар Маҳкамасининг Давлат дастури бажарилишининг бориши тўғрисидаги ҳисоботини (кейинги ўринларда – ҳисобот) тайёрлаш ва кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига (кейинги ўринларда – Олий Мажлис) тақдим этиш бўйича ташкилий-техник, ахборот-таҳлилий ва бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш Вазирлар Маҳкамаси аппарати томонидан таъминланади.

3. Ҳисоботни Олий Мажлис палаталарида кўриб чиқиш ва муҳокама қилишда Қонунчилик палатасининг кўмиталари, сиёсий партиялар фракциялари, Сенатнинг кўмиталари ҳамда Қонунчилик палатаси ва Сенат билан ўзаро муносабатларни ташкил этиш Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ваколатли вакили (кейинги ўринларда – Ваколатли вакил) томонидан таъминланади.

4. Ҳисоботни Олий Мажлисга тақдим этиш тартиби мазкур Низомга иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

**2-боб. Ҳисоботни Олий Мажлисга тақдим этишда вазирликлар,
идоралар ҳамда Вазирлар Маҳкамаси таркибий бўлинмаларининг
асосий вазифалари**

5. Давлат дастурида масъул ижрочи сифатида белгиланган вазирликлар ва идоралар:

Давлат дастурида белгиланган вазифалар ва тадбирларнинг бажарилишини назоратга олади, уларни ўз вақтида самарали бажариш бўйича тезкор чора-тадбирларни амалга оширади;

Давлат дастурида юкланган вазифаларнинг бажарилиши ҳолати юзасидан ушбу идора бўйича маълумотларни умумлаштириб, белгиланган тартибда масъул вазирликка тақдим этиб боришга масъул ходимни буйруқ асосида белгилайди;

Давлат дастурида назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш мақсадида тегишли ишчи гуруҳларни тузади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш мақсадида асосий ижрочиларнинг сўровига биноан тегишли ишчи гуруҳига киритиш учун малакали ходимларни ажратади ҳамда асосий ижрочи ихтиёрига юборади.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисидаги Фармонида унинг амалга оширилишининг тизимли мониторингини олиб бориш вазифаси юклатилган **масъул вазирлик ва (ёки) идора (кейинги ўринларда – масъул вазирлик):**

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан тақдим этилган маълумотларни ўз вақтида қабул қилиб олади, уларни умумлаштириб, таҳлил қилади;

хисоботни тайёрлашда фойдаланиш учун манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунларини таҳлил қилади;

Давлат дастурида белгиланган вазифалар ва тадбирларни бажаришда, шу жумладан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини сифатли ва ўз вақтида ишлаб чиқишда камчиликка йўл қўйган, шунингдек, маълумотларни тақдим этмаган ёки сифатсиз тақдим этган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари, масъул ходимларига нисбатан тегишли таъсир чораларини кўриш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритади.

7. Вазирлар Маҳкамасида ҳар йили Давлат дастури қабул қилинганидан сўнг Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлиси баёни билан:

Давлат дастурининг ҳар бир банди Вазирлар Маҳкамасининг тегишли таркибий бўлинмаларига бириктирилади;

Давлат дастури бажарилишининг боришини назорат қилиш учун Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг масъул таркибий бўлинмаси (бўлинмалари) (кейинги ўринларда – масъул таркибий бўлинма) белгиланади;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ҳаракатлар стратегиясини тегишли йилда амалга оширишга оид давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисидаги Фармони ижросини амалга ошириш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳи таркиби тасдиқланади;

Давлат дастури ижросини Вазирлар Маҳкамасида таҳлил қилиш бўйича идоралараро мониторинг-таҳлил гуруҳи таркиби тасдиқланади;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ҳаракатлар стратегиясини тегишли йилда амалга оширишга оид давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисидаги Фармони ижросини амалга ошириш бўйича назорат режаси тасдиқланади.

8. Вазирлар Маҳкамасининг мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳи фаолиятига қоида тарихида **Бош вазир ўринбосари ёки Бош вазир маслаҳатчиси раҳбарлик қилади.**

Вазирлар Маҳкамасининг мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳи:

Давлат дастурининг бажарилишини назоратга олган ҳолда уларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилишини таъминлаш бўйича барча зарур ва тезкор чораларни кўради;

Давлат дастури ижроси тўғрисида ҳамда унинг ҳар бир банди ижроси юзасидан вужудга келаётган муаммоли масалалар ҳал этилиши бўйича аниқ таклифларни ўз ичига олган маълумот тайёрлаб, Вазирлар Маҳкамасининг Раёсати мажлислари муҳокамасига киритиб боради;

Вазирлар Маҳкамасининг Давлат дастури амалга оширилиши тўғрисидаги ҳисоботларини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатида кўриб чиқишга тайёргарлик кўради;

Давлат дастури ижроси тўғрисида умумлаштирилган маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ўз вақтида киритилишини таъминлайди.

9. Давлат дастури ижросини Вазирлар Маҳкамасида таҳлил қилиш бўйича идоралараро мониторинг-таҳлил гуруҳи ишини ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш масъул таркибий бўлинма томонидан амалга оширилади.

Давлат дастури ижросини Вазирлар Маҳкамасида таҳлил қилиш бўйича идоралараро мониторинг-таҳлил гуруҳи:

Давлат дастурининг бажарилиши ҳолати тўғрисида масъул вазирлик томонидан тақдим этилган маълумотларни қабул қилиб олади ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли таркибий бўлинмаларига тақдим қилади;

ҳисоботни тайёрлаш ва Олий Мажлисга тақдим этиш бўйича Вазирлар Маҳкамаси таркибий бўлинмалари, вазирликлар ва идораларнинг ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятини таъминлайди;

ҳисоботни тайёрлаш учун зарур бўлган қўшимча ахборот-таҳлилий, статистик ва бошқа материалларни вазирликлар ва идоралардан сўраб олади;

ҳисоботни тайёрлаш бўйича ишни самарали ташкил этиш юзасидан зарур чораларни кўради;

ҳисоботни тайёрлаш ва Олий Мажлисга тақдим этиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳолати ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ҳақида Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисига мунтазам ҳисобот бериб боради;

ҳисоботни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг (кейинги ўринларда – Бош вазир) ҳисоботи материалларини тайёрлайди.

10. Вазирлар Маҳкамасининг таркибий бўлиналари:

Давлат дастурининг ўзларига бириктирилган бандлари бажарилишини шахсий назоратга олади ҳамда уларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилишини таъминлаш бўйича барча зарур ва тезкор чораларни кўради;

йил давомида Бош вазир ўринбосарлари ва Бош вазир маслаҳатчилари ҳузурларида бўлиб ўтадиган йиғилишларда Давлат дастурининг ижроси алоҳида масала сифатида кўриб борилишини ташкил этади;

Давлат дастурининг ўзларига бириктирилган бандлари бажарилиши билан боғлиқ аниқланган муаммоли масалаларни бартараф этиш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирларни кўради ҳамда бу ҳақда тегишли Бош вазир ўринбосарлари ва Бош вазир маслаҳатчиларига ахборот беради;

Вазирлар Маҳкамаси таркибига кирмайдиган бошқа давлат органлари ва ташкилотлари асосий ижрочи бўлган бандлар бўйича ҳамкорликдаги ишларни ташкил қилади, уларга амалий ёрдам кўрсатади ҳамда зарурат бўлганда ўзларига бириктирилган вазирликлар ва идоралар билан боғлиқ масалалар ҳал қилинишини таъминлайди;

Давлат дастури ижроси бўйича амалга оширилган ишлар ҳақида маълумотлар ўзларига бириктирилган вазирликлар ва идоралар томонидан масъул вазирликка ўз вақтида ва сифатли тақдим этиб борилишини ташкил этади ва назоратга олади;

Давлат дастурининг ўзларига бириктирилган бандларининг бажарилиши ҳолати бўйича вазирликлар ва идоралар томонидан тақдим этилган маълумотларни пухта қайта ишлайди, тегишли Бош вазир ўринбосарлари ва Бош вазир маслаҳатчилари билан келишади ҳамда масъул таркибий бўлилмага тақдим этади.

11. Вазирлар Маҳкамасининг масъул таркибий бўлиналари:

Давлат дастури бажарилиши ҳолати устидан мониторингни амалга оширади;

Давлат дастурининг тегишли бандлари ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг таркибий бўлиналари томонидан тақдим этилган ҳисоботларни ҳамда таҳлилий, статистик ва бошқа материалларни умумлаштиради.

3-боб. Ҳисоботни Олий Мажлисга тақдим этиш тартиби

12. Давлат дастурида масъул ижрочи сифатида белгиланган вазирликлар ва идоралар:

ҳамижрочи бўлган бандлар бўйича – ҳар ойнинг 28 санасига қадар асосий ижрочиға тадбирларнинг бажарилиши тўғрисидаги маълумотларни тўлиқ тақдим этиб боради;

асосий ижрочи бўлган бандлар бўйича – ҳар ойнинг 30 санасига қадар Давлат дастурининг ижроси тўғрисидаги маълумотларни биринчи раҳбарлари томонидан имзоланган ҳолда масъул вазирликка асословчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда тўлиқ ва сифатли тарзда тақдим этиб боради.

13. **Масъул вазирлик ҳар ойнинг 2 санасига қадар** Давлат дастури амалга оширилиши мониторинги олиб борилиши натижалари бўйича умумлаштирилган, шу жумладан, ҳисобот даврида Давлат дастури ижроси доирасида амалга оширилган асосий чора-тадбирлар, эришилган энг муҳим кўрсаткичлар ва натижаларни назарда тутувчи маълумотларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади.

14. Масъул таркибий бўлинма **Давлат дастурини Вазирлар Маҳкамасида таҳлил қилиш бўйича идоралараро мониторинг-таҳлил гуруҳи** билан биргаликда масъул вазирлик томонидан тақдим этилган маълумотларни қабул қилиб олади, таҳлил қилади ҳамда ҳар ойнинг **4 санасига қадар** тегишли равишда Вазирлар Маҳкамасининг таркибий бўлинмаларига тақдим қилади.

15. **Вазирлар Маҳкамасининг таркибий бўлинмалари** ҳар ойнинг **5 санасига қадар** маълумотларни кўриб чиқади, таҳлил қилади, улардаги маълумотларнинг ишончлилиги ва ҳаққонийлигини ўрганади, камчилик ва муаммоларни бартараф этиш бўйича давлат органлари ва ташкилотлар билан ҳамкорликда ишларни ташкил қилади ҳамда тегишли Бош вазир ўринбосарлари ва Бош вазир маслаҳатчиларига тақдим қилади.

16. Ҳар ойнинг **6 санасига қадар** Бош вазир ўринбосарлари ва Бош вазир маслаҳатчилари тақдим этилган маълумотларни кўриб чиқади, зарурат бўлганда уларнинг муҳокамаси бўйича йиғилишлар ташкил қилади, Давлат дастурининг ижроси юзасидан камчиликка йўл қўйган ходимларга нисбатан тегишли чоралар кўради ҳамда мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича тегишли таркибий бўлинмаларга зарур кўрсатмалар беради.

17. Ҳар ойнинг **6 санасига қадар** Вазирлар Маҳкамасининг таркибий бўлинмалари Бош вазир ўринбосарлари ва Бош вазир маслаҳатчилари кўрсатмалари ва таклифлари асосида қайта ишланган маълумотларни масъул таркибий бўлинмага тақдим қилади.

18. Масъул таркибий бўлинма Давлат дастурини Вазирлар Маҳкамасида таҳлил қилиш бўйича идоралараро мониторинг-таҳлил гуруҳи билан биргаликда:

а) ҳар ойнинг **7 санасига қадар** таркибий бўлинмалар томонидан тақдим этилган ҳисобот ва таҳлилий маълумотни пухта қайта ишлайди ҳамда умумлаштирилган якуний маълумотни ҳамда ҳужжатлар тўпламини Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисининг ҳуқуқий экспертиза масалалари бўйича ўринбосарига тақдим қилади;

б) ҳар чоракда, кейинги ойнинг **7 санасига** қадар Давлат дастури бажарилишининг боришини кўриб чиқиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлиси материалларини *(Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисининг*

қун тартиби ва мажлис баёни лойиҳаси ҳамда ҳисобот берувчилар ва тақлиф этилганлар рўйхати) ва Олий Мажлис палаталарида Давлат дастури бажарилиши тўғрисида Ҳукуматнинг ҳар чораклик ҳисоботлари материалларини (ҳисобот лойиҳаси, Бош вазирнинг ҳисобот материаллари, ҳисобот муҳокамасида қатнашувчилар рўйхати, ахборот-таҳлилий, статистик ва бошқа материаллар) тайёрлайди ва Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисининг ҳуқуқий экспертиза масалалари бўйича ўринбосарига тақдим қилади.

19. Ҳисобот лойиҳасини тайёрлашда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилади:

Давлат дастурининг барча бандлари ижроси ҳолатининг қисқача умумий йиғма таҳлили;

Давлат дастурининг йўналишлари бўйича ҳисобот давридаги тадбирлар ва уларнинг ижро этилиши ҳолати бўйича маълумот;

Давлат дастурида йил давомида амалга оширилиши белгиланган чора-тадбирлар юзасидан ҳисобот даврида бажарилган ишлар тўғрисидаги таҳлилий маълумот;

Давлат дастурининг ижроси доирасида ҳисобот даврида қабул қилинган муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг аҳамияти;

Давлат дастурининг ижроси доирасида эришилган энг муҳим кўрсаткичлар (жалб этилган инвестиция ҳажми, яратилган иш ўринлари, одамларнинг турмуш шароитларини яхшилаш бўйича амалга оширилган ишлар, бу жараёнда жамоатчилик ва фуқаролик жамияти институтлари иштироки ва б.);

Давлат дастурининг ижроси доирасида ҳудудларни комплекс ривожлантириш ҳамда иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларни ислоҳ этиш бўйича амалга оширилган ишларнинг таҳлили;

Давлат дастурининг ижроси натижадорлигини янада оширишга қаратилган тақлифлар;

Давлат дастурининг ижросига оид иқтисодий ва ижтимоий соҳаларга оид аниқ мисоллар таҳлили ва бошқалар.

20. Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисининг ҳуқуқий экспертиза масалалари бўйича ўринбосари:

а) ҳар ойнинг **8 санасига қадар** умумлаштирилган маълумотларни таҳлил қилади, зарурат бўлса қайта ишлаш учун масъул таркибий бўлинмага қайтаради ҳамда умумлаштирилган маълумотларни Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисига тақдим қилади;

б) ҳар чоракда, кейинги ойнинг **8 санасига қадар** Давлат дастури ижросини кўриб чиқиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлиси материалларини ва Олий Мажлис палаталарида Давлат дастури бажарилиши тўғрисида Ҳукуматнинг ҳар чораклик ҳисоботлари материалларини таҳлил қилади ва Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисига тақдим қилади.

21. Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчиси:

а) ҳар ойнинг **10 санасига қадар** тақдим қилинган умумлаштирилган маълумотларни кўриб чиқади ва Бош вазирга тақдим қилади;

б) ҳар чоракда, кейинги ойнинг **10 санасига** қадар Давлат дастури ижросини кўриб чиқиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлиси материалларини ва Олий Мажлис палаталарида Давлат дастури бажарилиши тўғрисида Хукуматнинг ҳар чораклик ҳисоботлари материалларини кўриб чиқади, Бош вазирга тақдим қилади ҳамда ҳисоботни Вазирлар Маҳкамасининг Раёсати мажлисида кўриб чиқиш муддатини келишади.

22. Масъул таркибий бўлинма идоралараро мониторинг-таҳлил гуруҳи билан биргаликда:

Давлат дастури бажарилишининг бориши тўғрисидаги ҳисоботнинг Вазирлар Маҳкамасининг Раёсати мажлисида кўриб чиқилишини ташкил этади;

ҳисобот лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасининг Раёсати мажлисида кўриб чиқиш учун ҳужжатлар тўпламини тайёрлайди;

Вазирлар Маҳкамасининг Раёсати мажлисининг яқунлари бўйича ҳисобот лойиҳаси ва ҳужжатлар тўплами бир кун муддатда билдирилган эътирозлардан келиб чиқиб пухта қайта ишланишини таъминлайди.

23. Ҳисобот пухта қайта ишланганидан сўнг бир кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси (кейинги ўринларда – Қонунчилик палатаси) ва Сенатига тақдим этилади.

24. Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмалари Ваколатли вакил ҳамда Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисининг ҳуқуқий экспертиза масалалари бўйича ўринбосари билан биргаликда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати билан ҳисоботни муҳокама қилишга тайёргарлик кўриш масалалари бўйича барвақт ишлашни ташкил этади.

25. Қонунчилик палатаси ва Сенат билан келишган ҳолда **ҳисоботни Қонунчилик палатасининг кўмиталари, сиёсий партиялар фракциялари, Сенат кўмиталари ҳамда Олий Мажлис палаталарининг ялпи мажлисларида муҳокама қилиш бўйича режа-график** (кейинги ўринларда – режа-график) тайёрланади.

26. Ваколатли вакил:

ҳисоботни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати раҳбариятига тақдим этилишини ташкиллаштириш чораларини кўради;

ҳисоботни муҳокама қилиш кuni ва форматини Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати раҳбарияти билан келишишни ташкил этади;

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати девонлари раҳбарияти билан биргаликда режа-графикни тайёрлаш ва тасдиқлашни ташкиллаштиради;

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати девонлари раҳбарияти ҳамда масъул таркибий бўлинма билан биргаликда ҳисоботни Олий Мажлис

палаталарида кўриб чиқиш ва муҳокама қилишда иштирок этувчи Ҳукумат аъзолари, вазирликлар ва идоралар вакиллари рўйхатини шакллантиради;

ҳисоботни Олий Мажлис палаталарида кўриб чиқиш ва муҳокама қилишда Вазирлар Маҳкамаси аппарати таркибий бўлинмаларининг Қонунчилик палатасининг кўмиталари, сиёсий партиялар фракциялари, Сенатнинг кўмиталари ҳамда Қонунчилик палатаси Девони ва Сенат Девони билан ўзаро мувофиқлашган ҳамкорлигини таъминлайди;

Вазирлар Маҳкамаси аппарати таркибий бўлинмаларига ҳисоботни Олий Мажлис палаталарида кўриб чиқиш ва муҳокама қилишда Олий Мажлис палаталари ва уларнинг органлари билан ўзаро ҳамкорликни таъминлашга ҳамда ташкилий масалаларни ҳал қилишга ёрдам кўрсатади.

27. Ҳисоботни Қонунчилик палатасининг кўмиталари ва сиёсий партия фракцияларида, Сенатнинг кўмиталарида дастлабки тарзда кўриб чиқишда, шунингдек, Олий Мажлис палаталарининг ялпи мажлисларида муҳокама қилишда Давлат дастурининг тегишли бандлари бўйича масъул вазирлар ва давлат кўмиталари раислари **пухта тайёргарлик кўрган ҳолда ўз вақтида ва қоида тариқасида шахсан иштирок этишлари шарт.**

28. Зарур ҳолларда, Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисининг топшириғига мувофиқ, Ҳукумат аъзоларининг муҳокамаларда ўз вақтида ва пухта тайёргарлик кўрган ҳолда иштирок этишини таъминлаш мақсадида **Бош вазирнинг алоҳида топшириғи** тайёрланиши мумкин.

29. Бош вазир ўринбосарлари ва Бош вазир маслаҳатчилари ҳамда масъул таркибий бўлинма Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмалари ҳамда Ваколатли вакил билан биргаликда ҳисоботни Қонунчилик палатасининг кўмиталарида, сиёсий партиялар фракцияларида, Сенатнинг кўмиталарида, Олий Мажлис палаталарининг ялпи мажлисларида кўриб чиқишда Давлат дастурининг тегишли бандлари бўйича масъул бўлган вазирлар ва давлат кўмиталари раисларининг иштирокини ташкил этади.

30. Ҳисобот Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг ялпи мажлисида кўриб чиқилишида Олий Мажлис палаталари раҳбарияти билан келишилган ҳолда қоида тариқасида Бош вазир, Бош вазирнинг ўринбосарлари, Бош вазирнинг маслаҳатчилари ҳамда тегишли Ҳукумат аъзолари иштирок этадилар.

4-боб. Ҳисоботни кўриб чиқиш якунлари бўйича қабул қилинган Қонунчилик палатаси ва Сенат қарорлари ижроси устидан назорат қилиш

31. Ҳисоботни муҳокама қилиш натижалари юзасидан Ваколатли вакил Вазирлар Маҳкамаси Раёсатида ахборот беради.

32. Ҳисоботни кўриб чиқиш якунлари бўйича Қонунчилик палатаси ва Сенат қабул қилган қарорлар ижроси устидан назорат қилиш Вазирлар Маҳкамаси аппарати томонидан амалга оширилади.

33. Бош вазир ўринбосарлари, Бош вазир маслаҳатчилари, Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг масъул таркибий бўлинмалари Қонунчилик палатаси ва Сенат қабул қилган қарорлар бажарилишининг тизимли назорати ва таҳлилини таъминлайди.

34. Ҳисоботни кўриб чиқиш якунлари бўйича Қонунчилик палатаси ва Сенат қабул қилган қарорлар ижросини таъминлаш Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлиси баёни билан масъул вазирлик ва идоралар, Вазирлар Маҳкамаси таркибий бўлинмалари ҳамда бажариш муддатларини аниқ кўрсатган ҳолда **чора-тадбирлар режаси** (кейинги ўринларда – чора-тадбирлар режаси) тасдиқланади.

35. **Масъул таркибий бўлинма** Вазирлар Маҳкамасида таҳлил қилиш бўйича идораларо мониторинг-таҳлил гуруҳи билан биргаликда:

чора-тадбирлар режасини ва уни тасдиқлаш бўйича Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлиси материалларини тайёрлайди ва тегишли таркибий бўлинмалар, Ваколатли вакил ҳамда Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисининг ҳуқуқий экспертиза масалалари бўйича ўринбосари билан келишади;

чора-тадбирлар режаси ва Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлиси материаллари бўйича Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисига ахборот беради ҳамда чора-тадбирлар режасининг Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисида муҳокамасини ташкил этади;

чора-тадбирлар режасининг бажарилиши ҳолатини тизимли таҳлил қилиб боради ҳамда белгиланган муддатларда бу ҳақда Қонунчилик палатаси ва Сенатга ахборот киритиб борилишини таъминлайди.

36. Вазирлар Маҳкамасининг таркибий бўлинмалари:

Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлиси баёни билан тасдиқланган чора-тадбирлар режасининг бажарилишини ҳамда белгиланган муддатларда унинг ўзларига бириктирилган бандлари бажарилиши ҳолати тўғрисидаги маълумотларни масъул таркибий бўлинмага тақдим этилишини таъминлайдилар;

зарур ҳолларда чора-тадбирлар режасидаги ижроси кечикаётган ёки бажарилмаган бандларнинг тегишли Бош вазир ўринбосари ёки маслаҳатчиси ҳузурида масъул вазирлик ва идоралар раҳбарларини таклиф қилган ҳолда танқидий муҳокама қилинишини ташкил этади.

37. Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг Назорат ва ижро интизоми бўлими томонидан тизимли асосда Қонунчилик палатаси ва Сенат қабул қилган қарорлар бажарилиши жараёнининг мониторинги амалга оширилади.

5-боб. Якунловчи қондалар

38. Ҳисоботни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатида муҳокама қилиш жараёнини оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиш Бош вазирнинг Матбуот хизмати томонидан ташкил этилади.

39. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисига Мурожаатномасидан келиб чиқадиган, тегишли
йилга мўлжалланган давлат дастури бажарилишининг бориши
юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботини Олий Мажлисга
тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомга
илова

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномасидан
келиб чиқадиган, тегишли йилга мўлжалланган давлат дастури бажарилишининг бориши юзасидан
Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботини Олий Мажлисга тақдим этиш тартиби
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддат
I-босқич	Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ҳокимликлар	<p>1. Давлат дастурида белгиланган вазифалар ва тадбирларнинг бажарилишини назоратга олади, уларни ўз вақтида самарали бажариш бўйича тезкор чора-тадбирларни амалга оширади.</p> <p>2. Давлат дастурида юклатилган вазифаларнинг бажарилиши ҳолати юзасидан ушбу идора бўйича маълумотларни умумлаштириб, белгиланган тартибда масъул вазирликка тақдим этиб боришга масъул ходимни буйруқ асосида белгилайди.</p> <p>3. Давлат дастурида назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш мақсадида тегишли ишчи гуруҳларни тузади.</p> <p>4. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишга масъул қилиб белгиланган бандлар бўйича тегишли ишчи гуруҳига киритиш учун малакали ходимларни ажратади ҳамда асосий ижрочи ихтиёрига юборади.</p> <p>5. Давлат дастури бажарилишининг бориши тўғрисидаги маълумотларни шакллантиради ва умумлаштиради.</p> <p>6. Ҳамижрочи бўлган бандлар бўйича асосий ижрочиға тадбирларнинг бажарилиши тўғрисидаги маълумотларни тўлиқ тақдим этиб боради.</p> <p>7. Асосий ижрочи бўлган бандлар бўйича Давлат дастури бажарилишининг бориши тўғрисидаги маълумотларни қоғоз ва электрон шаклда умумлаштириш учун масъул вазирликка тақдим этади.</p>	Доимий Давлат дастури қабул қилинганидан сўнг уч кун муддатда Заруратга қараб Асосий ижрочиларнинг сўровига биноан Доимий Ҳар ойнинг 28 санасига қадар Ҳар ойнинг 30 санасига қадар

2-босқич	Масъул вазирлик	<ol style="list-style-type: none">1. Давлат дастурида белгиланган вазифалар ва тадбирларни бажаришда, шу жумладан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалар сифатли ва ўз вақтида ишлаб чиқилишида камчиликка йўл қўйган, маълумотларни тақдим этмаган ёки сифатсиз тақдим этган ташкилотлар раҳбарлари, масъул ходимларига нисбатан тегишли таъсир чораларини кўриш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиб боради.2. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан тақдим этилган маълумотларни ўз вақтида қабул қилиб олади, уларни умумлаштириб, таҳлил қилади.3. Умумлаштирилган маълумотни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади.	Заруратга қараб Ҳар ойнинг 2 санасига қадар
-----------------	------------------------	--	--

II. Давлат дастури бажарилишининг бориши тўғрисидаги ҳисобот бўйича Вазирлар Маҳкамасида ишлаш ҳамда ҳисоботни Олий Мажлис палаталарига киритиш босқичи

3-босқич	Вазирлар Маҳкамаси Раёсати	<ol style="list-style-type: none">1. Давлат дастурининг ҳар бир банди Вазирлар Маҳкамасининг тегишли таркибий бўлинмаларига бириктирилади.2. Давлат дастури бажарилишининг боришини назорат қилиш учун Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг масъул таркибий бўлинмаси (бўлинмалари) (кейинги ўринларда – масъул таркибий бўлинма) белгиланади.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ҳаракатлар стратегиясини тегишли йилда амалга оширишга оид давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисидаги Фармони ижросини амалга ошириш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳи таркиби тасдиқланади.4. Давлат дастури ижросини Вазирлар Маҳкамасида таҳлил қилиш бўйича идоралараро мониторинг-таҳлил гуруҳи таркиби тасдиқланади.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ҳаракатлар стратегиясини тегишли йилда амалга оширишга оид давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисидаги Фармони ижросини амалга ошириш бўйича назорат режаси тасдиқланади.	Давлат дастури қабул қилинганидан сўнг
4-босқич	Масъул таркибий бўлинма, Давлат дастурини Вазирлар Маҳкамасида таҳлил қилиш бўйича	<ol style="list-style-type: none">1. Давлат дастури амалга оширилишининг бориши ҳақидаги маълумотни кўриб чиқади ва таҳлил қилади.2. Таҳлил натижаси бўйича маълумотни ишончлилиги ва ҳаққонийлигини кўриб чиқиш учун Вазирлар Маҳкамасининг таркибий бўлинмаларига тақдим қилади.	Ҳар ойнинг 4 санасига қадар

	идоралараро мониторинг-таҳлил гуруҳи	3. Зарур ҳолларда вазирликлар ва идоралардан қўшимча маълумотларни олади.	
5-босқич	Вазирлар Маҳкамасининг таркибий бўлинмалари	1. Маълумотларни кўриб чиқади, таҳлил қилади, улардаги маълумотларнинг ишончлилиги ва ҳаққонийлигини ўрганади. 2. Камчилик ва муаммоларни бартараф этиш бўйича давлат органлари ва ташкилотлар билан ҳамкорликда ишларни ташкил қилади. 3. Тегишли материалларни Бош вазир ўринбосарлари ва Бош вазир маслаҳатчиларига тақдим қилади ва келишади.	Ҳар ойнинг 5 санасига қадар
6-босқич	Бош вазир ўринбосарлари, Бош вазир маслаҳатчилари	1. Тақдим этилган маълумотларни кўриб чиқади, зарурат бўлганда уларнинг муҳокамаси бўйича йиғилишлар ташкил қилади. 2. Давлат дастурини ижроси юзасидан камчиликка йўл қўйган ходимларга нисбатан тегишли чоралар кўради. 3. Мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича тегишли таркибий бўлинмаларга зарур кўрсатмалар беради.	Ҳар ойнинг 6 санасига қадар
7-босқич	Вазирлар Маҳкамасининг таркибий бўлинмалари	Бош вазир ўринбосарлари ва Бош вазир маслаҳатчилари кўрсатмалари ва таклифлари асосида қайта ишланган маълумотларни Давлат дастурини масъул таркибий бўлинмага тақдим қилади.	Ҳар ойнинг 6 санасига қадар
8-босқич	Масъул таркибий бўлинма, Давлат дастурини Вазирлар Маҳкамасида таҳлил қилиш бўйича идоралараро мониторинг-таҳлил гуруҳи	1. Таркибий бўлинмалар томонидан тақдим этилган ҳисобот ва таҳлилий маълумотни пухта қайта ишлайди. 2. Умумлаштирилган якуний маълумотни ҳамда ҳужжатлар тўпламини Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисининг ҳуқуқий экспертиза масалалари бўйича ўринбосарига тақдим қилади. 3. Давлат дастури ижросини кўриб чиқиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлиси материалларини (<i>Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисининг кун тартиби ва мажлис баёни лойиҳаси ҳамда ҳисобот берувчилар ва таклиф этилганлар рўйхати</i>) ва Олий Мажлис палаталарида Давлат дастури бажарилиши тўғрисида Ҳукуматнинг ҳар чораклик ҳисоботлари материалларини (<i>ҳисобот лойиҳаси; Бош вазирнинг ҳисоботи материаллари; ҳисобот муҳокамасида қатнашувчилар</i>	Ҳар ойнинг 7 санасига қадар Ҳар чорақда, кейинги ойнинг 7 санасига қадар

		<i>рўйхати; ахборот-таҳлилий, статистик ва бошқа материаллар) тайёрлайди ва Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисининг ҳукукий экспертиза масалалари бўйича ўринбосарига тақдим қилади.</i>	
9-босқич	Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисининг ҳукукий экспертиза масалалари бўйича ўринбосари	<p>1. Умумлаштирилган маълумотларни таҳлил қилади, зарурат бўлса қайта ишлаш учун масъул таркибий бўлинмага қайтаради ҳамда умумлаштирилган маълумотларни Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисига тақдим қилади.</p> <p>2. Давлат дастури ижросини кўриб чиқиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлиси материалларини ва Олий Мажлис палаталарида Давлат дастури бажарилиши тўғрисида Ҳукуматнинг ҳар чораклик ҳисоботлари материалларини таҳлил қилади ва Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисига тақдим қилади.</p>	<p>Ҳар ойнинг 8 санасига қадар</p> <p>Ҳар чоракда, кейинги ойнинг 8 санасига қадар</p>
10-босқич	Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчиси	<p>1. Тақдим қилинган умумлаштирилган маълумотларни кўриб чиқади ва Бош вазирга тақдим қилади.</p> <p>2. Давлат дастури ижросини кўриб чиқиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлиси материалларини ва Олий Мажлис палаталарида Давлат дастури бажарилиши тўғрисида Ҳукуматнинг ҳар чораклик ҳисоботлари материалларини кўриб чиқади, Бош вазирга тақдим қилади ҳамда ҳисоботни Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисида кўриб чиқиш муддатини келишади.</p>	<p>Ҳар ойнинг 10 санасига қадар</p> <p>Ҳар чоракда, кейинги ойнинг 10 санасига қадар</p>
11-босқич	Масъул таркибий бўлинма, идоралараро мониторинг-таҳлил гуруҳи	<p>1. Давлат дастури бажарилишининг бориши тўғрисидаги ҳисоботнинг Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисида кўриб чиқилишини ташкил этади.</p> <p>2. Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисининг яқунлари бўйича ҳисобот лойиҳаси ва ҳужжатлар тўплами билдирилган эътирозлардан келиб чиқиб пухта қайта ишланишини таъминлайди.</p>	<p>Ҳар чоракда, кейинги ойнинг 15 санасига қадар</p> <p>Бир кун муддатда</p>
12-босқич	Масъул таркибий бўлинма, Ваколатли вакил, Умумий бўлим	<p>Пухта қайта ишланган ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси (кейинги ўринларда – Қонунчилик палатаси) ва Сенатига тақдим этади.</p>	<p>Бир кун муддатда</p>

**III. Вазирлар Маҳкамасининг Давлат дастури бажарилишининг бориши тўғрисидаги ҳисоботини
Олий Мажлис палаталарида ҳимоя қилиш босқичи**

13-босқич	Таркибий бўлинмалар, Ваколатли вакил, Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисининг ҳуқуқий экспертиза масалалари бўйича ўринбосари	<p>1. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати билан ҳисоботни муҳокама қилишга тайёргарлик кўриш масалалари бўйича барвақт ишлашни ташкил этади.</p> <p>2. Қонунчилик палатаси ва Сенат билан келишган ҳолда ҳисоботни Қонунчилик палатасининг қўмиталари, сиёсий партиялар фракциялари, Сенат қўмиталари ҳамда Олий Мажлис палаталарининг ялпи мажлисларида муҳокама қилиш бўйича режа-график тайёрланади.</p>	Ҳисобот Олий Мажлис палаталарига тақдим этилганидан сўнг
14-босқич	Ваколатли вакил	<p>1. Ҳисоботни Олий Мажлис палаталари раҳбариятига тақдим этилишини ташкиллаштириш чораларини кўради.</p> <p>2. Ҳисоботни муҳокама қилиш куни ва форматини Олий Мажлис палаталари раҳбарияти билан келишишни ташкил этади.</p> <p>3. Олий Мажлис палаталари девонлари раҳбарияти билан биргаликда режа-графикни тайёрлаш ва тасдиқлашни ташкиллаштиради.</p> <p>4. Олий Мажлис палаталари девонлари раҳбарияти ҳамда масъул таркибий бўлинма билан биргаликда ҳисоботни Олий Мажлис палаталарида кўриб чиқиш ва муҳокама қилишда иштирок этувчи Ҳукумат аъзолари, вазирликлар ва идоралар вакиллари рўйхатини шакллантиради.</p> <p>5. Ҳисоботни Олий Мажлис палаталарида кўриб чиқиш ва муҳокама қилишда Вазирлар Маҳкамаси аппарати таркибий бўлинмаларининг Олий Мажлис палаталари органлари билан ўзаро мувофиқлашган ҳамкорлигини таъминлайди.</p>	Мунтазам равишда
15-босқич	Бош вазир ўринбосарлари, Бош вазир маслаҳатчилари, масъул таркибий бўлинма, Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий	<p>Ҳисоботни Қонунчилик палатасининг қўмиталарида, сиёсий партиялар фракцияларида, Сенатнинг қўмиталарида, Олий Мажлис палаталарининг ялпи мажлисларида кўриб чиқишда Давлат дастурининг тегишли бандлари бўйича масъул бўлган вазирлар ва давлат қўмиталари раисларининг иштирокини ташкил этади.</p>	Режа-графикка асосан

	бўлинмалари, Ваколатли вакил		
16-босқич	Давлат дастурининг тегишли бандлари бўйича масъул вазирлар, давлат қўмиталари раислари	Ҳисоботни Қонунчилик палатасининг қўмиталари ва сиёсий партиялар фракцияларида, Сенатнинг қўмиталарида дастлабки тарзда кўриб чиқишда, шунингдек, Олий Мажлис палаталарининг ялпи мажлисларида пухта тайёргарлик кўрган ҳолда ўз вақтида ва қонда тариқасида шахсан иштирок этадилар.	Режа-графикка асосан
17-босқич	Бош вазир, Бош вазир ўринбосарлари, Бош вазир маслаҳатчилари, Ҳукумат аъзолари	Ҳисоботни Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг ялпи мажлисида тақдим этади.	Режа-графикка асосан
IV. Вазирлар Маҳкамасининг Давлат дастури бажарилишининг бориши тўғрисидаги ҳисоботини кўриб чиқиш якунлари бўйича Қонунчилик палатаси ва Сенат томонидан қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш босқичи			
18-босқич	Ваколатли вакил	Ҳисоботни муҳокама қилиш натижалари юзасидан Вазирлар Маҳкамаси Раёсатида ахборот беради.	Ҳисобот Олий Мажлис палаталарида муҳокама қилингандан сўнг
19-босқич	Масъул таркибий бўлинма, идоралараро мониторинг-таҳлил гурухи	<p>1. Чора-тадбирлар режасини ва уни тасдиқлаш бўйича Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлиси материалларини тайёрлайди ва тегишли таркибий бўлинмалар, Ваколатли вакил ҳамда Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисининг ҳукукий экспертиза масалалари бўйича ўринбосари билан келишади.</p> <p>2. Чора-тадбирлар режаси ва Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлиси материаллари бўйича Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисига ахборот беради ҳамда чора-тадбирлар режасининг Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисида муҳокамасини ташкил этади.</p> <p>3. Чора-тадбирлар режасининг бажарилиши ҳолатини тизимли таҳлил қилиб боради ҳамда бу ҳақда Қонунчилик палатаси ва Сенатга ахборот киритиб борилишини таъминлайди.</p>	Белгиланган муддатларда

20-босқич	Вазирлар Маҳкамаси таркибий бўлинмалари	<p>1. Ҳисоботни кўриб чиқиш якунлари бўйича Қонунчилик палатаси ва Сенат қабул қилган қарорлар ижроси устидан назоратни амалга оширади.</p> <p>2. Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлиси баёни билан тасдиқланган чора-тадбирлар режасининг бажарилишини ҳамда белгиланган муддатларда унинг ўзларига бириктирилган бандлари бажарилиши ҳолати тўғрисидаги маълумотларни масъул таркибий бўлинмага тақдим этилишини таъминлайди.</p> <p>2. Қонунчилик палатаси ва Сенат қабул қилган қарорлар бажарилишининг тизимли таҳлилини ҳамда Бош вазир ўринбосарлари, Бош вазир маслаҳатчилари ҳузурида муҳокама қилишни таъминлайди.</p>	Белгиланган муддатларда Зарур ҳолларда
21-босқич	Назорат ва ижро интизоми бўлими	Қонунчилик палатаси ва Сенат қабул қилган қарорлар бажарилиши жараёни мониторингини олиб боради.	Тизимли асосда

